

# **МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИНИНГ КИРИТМА ГАПЛИ МАТНДА ИФОДАЛАНИШИ**

(М. Қўшжоновнинг “Ўзбекнинг ўзлиги” асари мисолида)

**Тадқиқотчи Бойматова Дилноза Бахтиёровна (ЖДПИ)**

## **Аннотация**

Мақолада Тилшуносликда модаллик категорияси гап семантикасининг энг муҳим белгиси сифатида ўрганилади.

Калит сўзлар: тушунча, модаллик, ҳолат, объективлик, баҳо, сўз, муносабат, мазмун.

## **Аннотации**

В статье модальная категория в лингвистике исследуется как важнейший признак семантики речи.

Ключевые слова: понятие, модальность, ситуация, объективность, оценка, слово, установка, содержание.

## **Annotation**

In the article, the modal category in linguistics is studied as the most important feature of speech semantics.

Keywords: concept, modality, situation, objectivity, evaluation, word, attitude, content

Тилшуносликда модаллик категорияси гап семантикасининг энг муҳим белгиси сифатида ўрганилади. В. Г. Гакнинг қайд этишича, “тилшуносликда модаллик деганда, одатда, сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирувчи грамматик-семантик категория ёки сўзловчининг

гап мазмунига бўлган муносабати”<sup>1</sup> тушунилади. Ушбу объектив воқеликни сўзловчи баҳолаш тарзида қабул қилади ва уни ўз онгида акс эттириб, воқеликка бўлган муносабатини ҳар хил семантик категориялар ёрдамида баён қилади. Модаллик фалсафий мантиқий категория саналиб, унинг назарий асосланиши формал аксиологияда ўз аксини топган. Бу масалага кейинги йилларда файласуфлар, мантиқшунослар томонидан эътибор кучайди. Фалсафада модаллик масаласи ижтимоий-тарихий, иқтисодий нуқтаи назардан ўрганилиб, инсон фаолиятининг барча турдаги кўринишлари, ижтимоий муносабатлари ҳамда унинг таркибига кирувчи табиий ҳолатлар баҳо (модал) муносабатини, баҳо (модаллик) предметини ташкил этадики, у яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва сароб, гўзаллик ва манфурлик, тасдиқ ва инкор, тўғри ва нотўғри каби қийматлардан бирини ифодалаб келади, -деб таъкидланса, мантиқшунослар модаллик масаласини мантиқий фикрлаш, натижа-хулоса кўринишида тадқиқ этадилар<sup>2</sup>.

Модалликнинг тилнинг барча сатҳида кузатилиши эътироф этилса-да, улар фақат матн таркибида фаоллашади. Шунинг учун ҳар бир гап ва матнда муайян воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот ифодаланибгина қолмай, сўзловчининг ана шу хабарга муносабати ҳам ифодаланади. Бундай шахсий, яъни субъектив муносабат бошқа лексик бирликлар қаторида киритма гаплар иштирокидаги матнларда ҳам ўз ифодасини топади. Профессор Бозорбой Ўринбоевнинг таъкидича, киритма гаплар “... бутун ифодага сўзловчининг субъектив муносабатини, эмоционал туйғусини ифодалайди”<sup>3</sup>: *Араз, бир оздан сўнг, унда ҳам онанинг зўрлаши билан уйдан чиқиб “бир кулиб боқмиш” баҳона билан кераксиз бир нарсани олиб уйга кириб кетиш (ўзбек қизларига хос хусусиятлардан) Отабекни яшин тезлигида бутунлай бошқа бир йўлга солиб қўйди (М. Қўшжонов “Ўзбекнинг ўзлиги, 40-бет”)*.

---

<sup>1</sup> Гак В. Г. Теоритическая грамматика французского языка, Синтаксис, М., 1981. С. 145.

<sup>2</sup> Ионников А. А. Семантика русского языка. - М: Высшая школа. 1982- С. 51

<sup>3</sup> Б. Ўринбоев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Самарқанд-2001. 96-б.

Синтактик модаллик гапни шакллантиришдаги ўрни ва субъектнинг гап мазмунидаги муносабат даражасига қараб, икки гуруҳга — объектив ва субъектив модалликка бўлинади. Объектив модаллик гапни шакллантирувчи зарурий белгилардан бири, асосий узви ҳисобланса, субъектив модаллик объектив модаллик устига қўйилган қўшимча модалликдир. Шунинг учун ҳам у гапнинг асосий узви эмас. Кўриниб турибдики, сўзловчининг коммуникатив нияти, унинг гап мазмунига эмоционал муносабати ва субъектив модаллик гарчи гапнинг актуаллаштирувчи. қисмлари бўлса ҳам, уларнинг табиати ва гап тузилишидаги асосий роли шунчалик хилма-хилки, уларни фақат грамматик планда «турли сатҳлилиқ», семантик планда сўзловчининг «муносабатини ифодалаш» белгиси остида бирлаштириш мумкин холос. Шу билан биргаликда, модалликнинг бу икки тури майда таркибий қисмларга бўлинади. Бугунги кичик кузатишимизда субъектив модалликнинг тури- аксиологик модаллик ва унинг киритма гапларда ифодаланишини кўриб чиқамиз.

Модаллик тадқиқотчиси С. Боймирзаеванинг фикрича, “Аксиологик модаллик матн коммуникатив-прагматик мазмунининг муҳим қатлами бўлиб, у ҳар қандай турдаги матнда у ёки бу кўринишда намоён бўлади. Бу турдаги модалликнинг воқеланишини таъминловчи лисоний воситалар қўлами ғоят кенг бўлиб, ушбу воситалар турли матн муҳитларида хилма-хил маъно нозикликларини ифодалаш имкониятига эга”.<sup>4</sup> Матннинг ҳар қандай туридаги аксиологик модаллик ва баҳо ифодаси муаллиф интенцияси, эмоцияси билан боғлиқ равишда юзага чиқади. Хусусан, бадий матндан фарқли ўлароқ, публицистик матнларда фикрнинг киритма гаплар воситасида ифодаланиши муаллиф мақсади ва нияти билан боғлиқ равишда юзага чиқади: *Бундай аёллар ўзгалар муҳаббатини қўриқлашга, уни доим сақлаб қолишга жонларини фидо қиладилар ва бунга улар тўла ҳақли ҳамдирлар (хусусан, муҳаббат бир марта йўқолиб қайта топилгандан сўнг) (М. Қўшжонов “Ўзбекнинг ўзлиги, 61-бет”).* Киритма гапларнинг юқоридаги

---

<sup>4</sup> С. Боймирзаева. Матнда аксиологик модаллик. Тил ва адабиёт таълими, №4, 2010. 23-32-бетлар.

матнда қўлланилиши асар персонажларига нисбатан муаллифнинг ҳайрихоҳ эканлиги намоён бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳолаш маълум бир шахснинг нуқтаи назарини акс эттиради. Шу сабабли ҳам матннинг аксиологик майдонида ҳосил бўладиган баҳо маънолари нисбий, чунки улар предмет-ҳодисалар қийматини, хусусиятларини бевосита тавсифламайди, балки субъектнинг идроки доирасида баҳолайди. Субъект (муаллиф) ўз баҳолаш фаолиятида мос лексемаларни қўллайди ва бу вазият тақозоси билан амалга ошади: *Мусулмонқул йиқитилгандан кейин эса (бу ишда Юсуфбек ҳожи асосий роль ўйнади) қипчоқларга қарши Мусулмонқулдан ўч олиш пардаси остида (Мусулмонқул қипчоқлардан эди) ташиқил қилинган қиргинга ҳам Юсуфбек ҳожи мутлақ қарши (М. Қўшжонов “Ўзбекнинг ўзлиги, 57-бет”)*. Келтирилган матн парчасида аксиологик баҳо киритма гаплардаги муаллиф таъкиди орқали юзага чиқмоқда. Ўзбек прагмалингвистика тадқиқотчиси М. Ҳақимов фикрича, матнда кириш ва баҳо билдирувчи сўзларнинг қўлланилиши муаллифнинг объектив оламга ва ўзи ифода этаётган ахборотга муносабатини белгилашда муҳим ўрин тутади<sup>5</sup>.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Б. Ўринбоев. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Самарқанд-2001. 171 б.
2. Гак В. Г. Теоритическая грамматика французского языка. Синтаксис. М., 1981. С. 145.
3. Ионников А. А. Семантика русского языка. - М: Высшая школа. 1982- С. 5 1
4. С. Боймирзаева. Матнда аксиологик модаллик. Тил ва адабиёт таълими, №4, 2010. 23-32-бетлар.

---

<sup>5</sup> М. Ҳақимов. Ўзбек прагмалингвистика асослари. Тошкент: Академнашр, 2013. 20-бет.